

ШУКУР ДАДАШ



БУВИМНИНГ ЭРТАКЛАРИ

Шеърлар,
эртақлар

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Е ш г в а р д и я» нашриёти
Тошкент — 1978

Д 15

Дадаш Шукур.

Бувимнинг эртаклари: Шеърлар, эртаклар: Кичик ёшдаги болалар учун.— Т. «Ёш гвардия», 1978.—32 б.

Дадаш Шукур. Сказки бабушки. Стихи и сказки.

Ўз 2

Д 70802—270
356 (06) —78 109-78

© Издательство «Ёш гвардия»— 1978





ПИОНЕРМАН, ПИОНЕР


Чўғ галстук бўйнимда,
Ленин фикру ўйимда.
Бахтим янграб куйимда,
Пионерман, пионер!

Ўқишимда илғорман,
Дўстлар сафида борман,
Халқ ишига тайёрман,
Пионерман, пионер!

Коммунист отам каби,
Комсомол акам каби
Бўлиш — Ватан талаби,
Пионерман, пионер!

БАХТИЁРЛАР ҚУШИГИ

Бу ўлкада ҳар баҳор
Уриклар гуллар оппоқ.
Каттакон оиланинг
Фарзандлари иттифоқ.
Табиатан шоирмиз,
Машқимиз пахтакорлик.
Ҳавасимиз бир дунё
Коинот қилар торлик.
Меҳнатимиз нашъали,
Тинчликнинг посбонимиз .
Ҳар доим бўлсин қуёш,
Нур сочсин осмонимиз.



ГАЛСТУГИМ — БИЛЕТИМ

Бир кун коммунист дадам
Дедилар:— Эшит бир дам,
Сенга бир савол берай
Билиминг дурин терай.
Тўнғич акаинг Миркамол.
Жасур, актив комсомол
Бор алвопранг билети —
Оловдек унинг бети.
Сен эса ёш ленинчи
Қани айтиб бергин-чи —
Парпираб турган кундай
Билетинг борми шундай?
— Бор дадажон, албатта,—
Жавоб бераман шартта,—
Мана бу чўғ галстук.
Менинг билетим етук.
Унинг уч қиррасида —
Зар ипак тилласида,
Бордур жуда сермаъно,
Пионер англари аъло,
Елкамда ҳиллировчи,
Галстугим бир учи
Яъни, коммунист демак,—
Бизларга посбон турмак .
Ўн учи-чи, комсомол
Доим ундан ўрнак ол!
Ҳар чоқ сенинг ёнингда,
Томирдаги қонингда,
Деган маъно сўзидир,
Чап ёнида ўзидир.
Яъни шонли пионер
Мен улар-ла, бирга дер,
«Честь» берар «Доим тайёр!»
Унга доим зафар ёр.

ОДАМ ЧИРОЙИ НИМА?

Суҳбатлашиб ўғил-қиз,
Шавкат, Шуҳрат ҳам Ойқиз
Дейишар:— Ҳар кишининг,
Юзи, кўзи, тишининг
Бари унга чиройми?
Ё бошқа чирой борми?
Шавкат дер:— Одам қоши,
Шуҳрати ҳам бардоши,
Курашда оловлиги,
Мақсади яловлиги—
Унга ажойиб ҳусн.
Ўзгартириб бир тусин.
Ойқиз дер:— Тўғри сўзинг,
Лекин ўйлаб кўр ўзинг,
Чирой кучдами танҳо,
Ақлга берсак баҳо,
Энг гўзал чирой эрур,
Фикримга зийнат берур.
— Менга киши чиройи
Ҳамма чиройдан бойи,—
Дер жажжи Абдумалик,
Фақатгина камтарлик.

УҚУВЧИ СОҒИНЧИ

Не-не ёқларда бўлдим,
Қорли тоғларда бўлдим,
Салқин боғларда бўлдим,
Салом, она-мактабим!

Сайр этиб баланд-пастда,
Келтирдим даста-даста
Гербарий ҳам гулдаста,
Салом, она-мактабим!

Соғиндим ҳамма жойда,
Адрлар таги, сойда,
Тенгинг йўқдир чиройда,
Салом, она-мактабим!

Қабул эт, қучоғинг оч,
Ёш зеҳнимга офтоб соч.
Илм боғида гултож,
Салом, она-мактабим!

ЁШ ДЕҲҚОН

(Қ ў ш и қ)

Олтин пахта, жон пахта,
Бизга шараф-шон пахта.
Юртим, элим фахрисан,
Машҳурсан ҳарён пахта.

Толанг хазинага бой,
Чигитингни ичи мой,
Олтин кузда бўласан —
Тоғ каби хирмон пахта.

Бўлиб тунда жажжи ой —
Қўшдинг далага чирой.
Номинг улуғ «оқ олтин»,
Мўл ҳосилга кон пахта.

Йигитча бўлганимда,
Ғайратга тўлганимда.
Орзуга етгум, бўлиб
Мен ҳам ёш деҳқон пахта.



ДУСТИМИЗ ҚУШЛАР

Саъва, булбул, қарқиноқ —
Бари бизга дўст, иноқ.
Келиб баҳор чоғида,
Қўм-қўк лагерь боғида
Очар баҳринг сайрашиб,
Учиб-қўниб, яйрашиб.
Нон ушоғин ейишар,
Деҳқон қадрин билишар.
Даладан ризқ кутишиб,
Қурт-қумурсқа тутишиб,
Ҳашаротни қиришар,
Инсонни дўст билишар.
Озор бермасанг, қушлар
Доим кўнглингни хушлар.

САЛОМ, АРЧА!

Салом, игнали арча,
Соғинтиргандинг анча.
Қувонч солдинг ҳар дилга,
Элчисан янги йилга.
Совғам бор қучоқ-қучоқ,
Турли-турли ўйинчоқ.
Юлдузча-ю, айиқча
Зарли тилла балиқча.
Қорқиз ҳамда қорбобо,
Чоракдаги «беш» баҳо.
Кўксингга тақиб қўяй.
Порла, қувончга тўлай.

ҚОРБОБОГА АЙТАМИЗ

(Янги йил истаклари)

Янги йил истагимиз,
Дилда мўл тилагимиз —
Ёзамиз дастурхондай,
Сўз айтиб қаймоқ нондай.
Қорбобога айтамыз,
Норбобога айтамыз.

1

Биринчи истагимиз,
Дилдаги тилагимиз,
Йил қадрини биламиз,
Эл қадрини биламиз.
Бор бир ялқов ўқувчи,
Дуруст идроки кучи,
Аммо иродасини,
Фикр, иродасини,
Дангасалик чуллаган,
Беғамликка булғаган,
Синфдаги энг чекка
Партада ўзи якка,
Сўрмасин деб муаллим
Ётади биқиниб жим.
Бўлса агар шу аҳвол,
Юз беради ёмон ҳол,
Партасига ёпишиб,
Оёқ қўли қапишиб,
Бир жойда қотиб қолар,
Орқада ётиб қолар.
Бу ўғилнинг корини,
Дангаса бекорини

Қорбобожон биллингиз,
Чорасини қилинг сиз!

2

Иккинчиси бундан ҳам,
Ўта даҳшат дарду гам.
Номига ҳам тил бормас,
(Яхши болалар олмас).
«Икки» деган баҳони,
«Ёмон» деган тапҳони.
Тез топинг чорасини
Ўчиринг қорасини.

3

Жуда қизиқ бола бор,
Ўз билгича қилмас кор.
Сўзга қулоқ илади
Кўрсатганинг қилади.
Лекин билим ишлатмас
Куч-идрокин пешлатмас.
Очолмас дил кўзини,
Ҳатто кўрмас ўзини.
Бу болани уйғотинг
Ғайратини қўзғатинг.

4

Қўп ўқувчи касб танлар,
Қимдир бўлмоғин англар.
Ҳатто боғча чоғидан
Турли ҳунар боғидан
Билимни қилар орзу
Ниятига етар у.

Топиб мақсад йўлипи
Тутар бир касб қўлини.
Аммо айрим ўқувчи,
Ўн йилни битирувчи
Ҳануз сураб хом хаёл
Қим бўларин билмай лол.
Шундайин ўқувчига,
Хом хаёл тўқувчига
Бир касб кўрсатинг бобо,
Бир касб ўргатинг бобо.

* * *

Бобожон бундан буён,
Орамизда ҳеч бирон
Нуқсон отин кўрмайлик,
Нуқсон зотин кўрмайлик.

ШАВКАТЖОН ВА ҚУЁШ

Шавкатжон етти ёшда,
Икки кўзи қуёшда.
Қуёш нега қораймас,
Сап-сарик, ола эмас.
Нега қуёш толмайди,
Қишда музлаб қолмайди.
Нима учун қари-ёш
Дейдилар, бўлсин қуёш.
Қуёш улкан шармикин,
Олдимга тушармикин?
Боғчамизда шундек шар,
Ёрилмас қуёшдек шар
Жуда кўплаб бўлсайди,
Уни тўплаб бўлсайди,
Деб, Шавкат ўйлаб қолди,
Осмонни бўйлаб қолди.
Хаёл уни ўради,
Дадасидан сўради.
Дадаси дер:— Ўғилжон,
Қуёш бобо паҳлавон,
Бутун олам, ер юзи,
Ҳатто ер-қуёш қизи
Эмишади нур ундан,
Инсон яшаши шундан.
Боғлар оралаб юринг,
Гуллар рангини кўринг,
Ўхшар олов оташга,
Гўё кичик қуёшга.
Ҳандалагу чўгирлар
Шу қуёшдан ранг олар.
Арпа-ю, буғдойгача,
Тилла балиқ, тутгача.
Жийдалар нақ шуъладек,
Гилослар нақ тилладек.

Қулупнай, ўрик, беҳи,
Ҳаммасин айтсам, эҳе!
Қувониб шўх болалар
Юзи олов лолалар
«Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга»
Дея айтишар қўшиқ,
Одам қуёшга ошиқ.
Шу он Шавкат қувониб,
Ота сўзига қониб,
Юраги яйраб кетди,
Тиллари сайраб кетди.
Унда қуёш бобомлар,
Қаттакон бош бобомлар
Невараси эканмиз,
Чевараси эканмиз.
Ер юзига доим бош
Бизнинг бобомиз қуёш
Доим омон турсинлар.
Бошимизда юрсинлар.

БУЙИМ ЎСИБДИ

(Синглим Оҳистага)

Ойижон, ойи дер,
жажжи Оҳиста.
Бўйим ўсибди-я,
қаранг бирпаста
Ҳайрон бўлманг тағин
ҳаммасин билиб,
Оёғим кўрпадан қолибди чиқиб.

БАРВАҚТ ТУР!

Эринмай туриш барвақт
Одатинг бўлсин ҳарвақт.
Қуёш каби эрта тур,
Соф ҳавода чоп, югур.
Қўп ухлаш танга зарар,
Эрта уйғониб агар
Такрорласанг ўқишинг,
Осон бўлар уқишинг.
Зое кетмасин куним,
Ишимда бўлсин унум
Десанг, қоч ялқовликдан,
Ғафлату анқовликдан,
Хўроз додруғ солмасдан,
Қуёш ўрнин олмасдан,
Тонг завқини тўйиб сур,
Қушлар билан суҳбат қур.
Эринмай туриш барвақт
Одатинг бўлсин ҳарвақт.



2—3553

БОДРОҚ

Ойим бодроқ қовурар,
Қизарганин совурар.
Чарс-чарс қилиб жўхори,
Қўтарилар юқори.
Бодраб-бодраб очилиб,
Дастурхонга сочилиб,
Укам дейди бувимга:
— Бўлди етар бугунга.

ҚУДРАТЖОННИНГ БУЗОҒИ

(Ҳ а з и л)


Қудратжоннинг бузоғи,
Бўйнида кўк мунчоғи.
Тунов кун эди ювош,
Энди қарасанг бебош.
Болаларни сузади,
Ўйинларин бузади.
Мош мушук кўрган замон,
Зир қочади томма-том.
Дадаси дер:— Эй ўғлон,
Бузоқ нега сузағон?
Шунда босиб ҳаяжон,
Дейди шошиб Қудратжон.
— Вақтли туриб эрталаб,
Талтайтириб, эркалаб
Бошини силагандим,
Сузишин билмагандим.

ИШОНЧ ҚОЛДИР!

Ваъда берсанг бажар уни,
Важ қилмагин уни-бун.
Ёлгон сўзлаш чакки одат,
Содир бўлса гар шу ҳолат,
Бебурд, ношуд бўлиб қолар,
Ёлгончилик номин олар.
Ишонмаслар ҳеч сўзига,
На сўзига, на ўзига.
Шунинг учун ҳар бир дамда,
Ишонч қолдир сен одамда.
Ўйлаб сўз бер! Сўнгра ўртоқ,
Сўз устидан чиққин тезроқ.

АЗИЗЖОННИНГ ТОЙЧОҒИ

Азизжоннинг тойчоғи,
Қашқа боши, оёғи.
Гижинглаб ем емайди,
Чанқаб сув-пув демайди.
Азиз миниб белига
Ва тушуниб феълига:
— Яша!— дер, учқур тойчоқ,
Йигитча бўлганим чоқ
Ўйнаймиз катта пойга,
Етамиз ҳатто ойга.



ДЕНГИЗ СУВИ НЕГА ШҰР?

I

«Бор экан, йўқ экан» лаб
 Содда бошланган эртак,
 Уйқунн ҳам қочириб,
 Ақлим қиларди тентак.
 Бўлган экан бир бахил,
 Бой-бадавлат, сержаҳл.
 Кўп балиқчи ишлатиб,
 Заҳ чайлада қишлатиб,
 Роса бойиб борса ҳам,
 Мол-дунёим деркан, кам,
 Бир куни туш чоғида,
 Зумрад деган боғида
 Гавҳар топиб олибди,
 Ақли ҳайрон қолибди.
 Иш буюрсанг, қиларкан,
 Қулоғига иларкан.
 Бахтим синай деб айёр,
 Сафарга бўлиб тайёр,
 Қайиққа зар тўшатиб,
 Ва қозиқдан бўшатиб,
 Тўлқинларда сузибди,
 Гавҳар тинчин бузибди.
 Дебди:— Эй лаъл жавоҳир,
 Не-не санъатга моҳир.
 Битта мўъжиза ярат,
 Дунёни менга қарат!
 Кўнглим балиқ тусайди,
 Қани лаққа бўлсайди.
 Фармоним шудир санга,

Қайиққа тўлдир танга.
Бирдан денгиз мавжланиб,
Шовқин-сурон авжланиб,
Хамирдан олгандек қил,
Шу заҳоти хилма-хил
Балиқлар қайнаб-тошиб,
Тушибди қайиқ ошиб.
Бахил шошиб қолибди
Яна савол солибди:
— Зўрға топган шунча мол
Сасиб қолса кўп увол.
Жонга оро кира қол,
Туз қайнатиб бера қол.
Лаққани тузлаб олай,
Сурлаб, бозорга солай.
Амри вожиб-на илож
Қайна, кўзим нуқра соч.
Дебди у олтин гавҳар,
Ёшлари худди оқ зар,
Денгиз кумушланибди,
Бой кўнгли хушланибди:
Маржонлар туз бўлибди,
Бир қайиқ муз бўлибди.
Кўтара олмай юкни,
Қайиқ кетибди чўкиб.
Бахил ҳам ғарқ бўлибди,
Гавҳар ҳам йўқолибди.

Гавҳар-чи, ҳозиргача
Денгизда қанча-қанча
Туз қайнатиб ётармиш,
Денгиз тўлқин отармиш.

ЮМРОНҚОЗИҚНИНГ ЕР КАВЛАШИ ҲАҚИДА ЭРТАК

I

Қани айт-чи, сен Розик,
Не учун Юмронқозиқ,
Бетиним ер кавлайди,
У ерда не овлайди?
Харобада ин очар
Ёруғлик, сувдан қочар
Билмасанг тез билиб ол,
Қулоғингга илиб ол.
Ярми ёлғон, ярми рост,
Бир оз ранг қўшдим, холос. .

II

Бу ҳам, ахир, бир ган-да!
Асов жайхун тарафда
Юмрон номли бир қози,
Хоннинг овида този,
Йирик савдогар экан,
Ганж¹га даъвогар экан,
Унмасни ундираркан,
Қашшоқ молин шиларкан
Юрак бағрин тиларкан.

III

Қозининг эшигида,
Эшикмас, тешигида.

¹ Г а н ж — бойлик.

Топмай тақдирга чора
Яшаркан бир бечора.
Қанчалаб ишламасин,
Оч-юпун қишламасин.
Қози лойга беларкан,
Нақ сомондай эларкан.
Бир кун уни чақнириб,
Томоқ қириб бақириб
Дебди: «Сенда йўқ мажол,
Бу ҳовлидан тез йўқол!
Қилолмайсан хизматим,
Етар шунча ҳимматим.
Тўрт томон сенга қибла,
Хоҳлаган жойинг изла».
Бечора дебди: «Тақсир
Бошпанам ҳам йўқ ахир,
Оч бўлсам, юпун бўлсам,
Қафаним йўқдир ўлсам».
Қози қулоқ солмасдан
Ҳеч назарга олмасдан,
Дўппослатибди роса,
Шу бўлибди хулоса.
Сўнгра қози ўйлабди
Ўз-ўзига сўйлабди:
«Тер куйдириб ишлатиб,
Зах кулбада қишлатиб,
Қаттиқ нонни едирдим,
Баҳор экин экдирдим.
Йилқим, сигирим боқди,
Ёзда мевамни қоқди.
Олиб-сотиб бўлдим бой,
Ҳамма ишим ғарчча мой.
Хизматкорларим бари,
Бўлиб қолишган қари.
Ҳеч аямай ҳайдадим,
Бошим чиқмас фойдадан.



Орттирдим, мол, симу зар,
Ёмон кўздан алҳазар.
Тағин режа ўйлабди,
Қоронғини бўйлабди.
Сочмагач қуёш ҳеч нур,
Шудгордан қазиб чуқур,
Олтин кўмибди шунда,
Қаттакон қора хумда.

IV

Эрта тонгда керишиб,
Пешонаси тиришиб.
Уйқудан туриб Юмрон,
Берибди шундай фармон.
«Менга ғайрат, кучи бор
Бешта хизматкор даркор.
Бўлсин сабри, тоқати,
Тайини нону. овқати,
Пишиқ бўлсин қўл, этн,
Ёши бўлсин ўн етти».
Шу вақт қози қошига,
Қарашмай ҳеч ёшига,
Югуриб келишибди,
Шамолдек елишибди.
Нонга муҳтож одамлар,
Донга муҳтож одамлар.
Юмрон юриб ўртадан,
Одам ғиж-ғиж тўдадан.
Кўриб, қараб нечтасин,
Танлаб олмиш бештасин.

V

Бечоралар бесўроқ,
Олиб тсша-ю, ўроқ,

Ишга тушиб кетибди,
Эт увишиб кетибди.
Бири ўриб бедани,
Бири боқиб подани,
Бири тараша ёриб,
Бири молга терт қориб,
Бири югуриб бозор,
Бири қилибди шудгор.

VI

Қарол йигит ҳеч тинмай,
Ором олишни билмай.
Ишлар эди тер тўкиб,
Анга ер бағрин сўкиб.
Омоч-у, ҳўкиз била,
Ғамгин хиргойи қила,
Бирдан қолмишди ҳайрон,
Иши бўлганди вайрон:
Олайтириб кўзини,
Ҳўкиз отди ўзини,
Қўл-оёғи чўзилди.
Жони ҳаром узилди.
Қарол ҳоли бўлиб танг,
Деди:— Эсиз, эҳ аттанг,
Энди ҳолим не кечар,
Муаммони ким ечар?
Қози билса, ўлдирар,
Еш умрини сўлдирар,
Дея роса йиғлабди,
Юрак бағрин тиглабди,
Охир режа ўйлабди,
Ўз-ўзига сўйлабди:
— Ҳаром ўлди ҳўкизим,
Қолдирмай ерда изин.
Тупроқни очай,— дебди,

Вақтида қочай дебди.
Ерга кетмон урибди,
Қўп тупроқни сурибди.
Ўткир кетмони шу вақт
Ўт чиқариб, этиб тақ,
Жаранг-жаранг этибди,
Учи синиб кетибди.
Тош-пош борми деб қарол,
Гавдасин эгиб хил,
Чуқур томон қарабди,
Бирдан кўнгли яйрабди,
Бир хум тиллани кўриб,
Дарров ҳўкизни кўмиб,
Ҳеч нарса кўрмагандай,
Ҳўкиз ҳам ўлмагандай.
Яшириб кўк тўнига,
Етим-есир кунига,
Ярар дея эл томон,
Югурибди шу замон.

VII

Қарол келмагач уйга,
Қози ботиб ҳар ўйга
Вужуди гўё куйиб
Жаҳлдан муштум туйиб
Шудгор томон елибди,
Маконига келибди,
Кетмон, теша, кураксиз,
Гўё улар кераксиз.
Ўнта бармоғи билан,
Ўсиқ тирноғи билан,
Номус, андиша билмай,
Лаҳм кавлабди тинмай,
Ўйлаб, сўйлаб у ҳадеб,
Олтиним бормикан деб.

Бирдан хўкизни шунда
Қўриб лаҳмдай тунда
Қўнгли бир ғашланибди,
Чуқурга ташланибди.
Қўлда таёғи билан,
Қўли, оёғи билап,
Чуқур кавлаб кетибди,
Қудуқ мисол этибди.
Шу бўйи бутун кундуз.
Тўлса ҳам кўкда юлдуз.
Ишин давом этибди.
Тешик тешиб кетибди.
Олтинни топаман деб,
Олганни қопаман деб,
Роса-роса толибди,
Ҳайвон бўлиб қолибди.
Юмронқозиқ номини,
Мана, шунда олибди.

VIII

Мана, эй укам, Розик,
Ҳозир ҳам юмронқозиқ
Олтинини қидириб,
Хасислигин билдириб,
Ҳеч нарсага берилмай,
Қазир ерни эринмай.

МУНДАРИЖА

ПИОНЕРМАН, ПИОНЕР	3
БАХТИЁРЛАР ҚЎШИҒИ	4
ГАЛСТУГИМ — БИЛЕТИМ	5
ОДАМ ЧИРОЙИ НИМА	6
ЎҚУВЧИ СОҒИНЧИ	7
ЁШ ДЕҲҚОН	8
ДЎСТИМИЗ ҚУШЛАР	10
САЛОМ, АРЧА	10
ҚОРБОБОГА АЙТАМИЗ	11
ШАВКАТЖОН ВА ҚУЁШ	14
БЎЙИМ ЎСИБДИ	16
БАРВАҚТ ТУР	16
БОДРОҚ	18
ҚУДРАТЖОННИНГ БУЗОҒИ	18
ИШОНЧ ҚОЛДИР	19
АЗИЗЖОННИНГ ТОЙЧОҒИ	19
ДЕНГИЗ СУВИ НЕГА ШЎР (Эртак)	21
ЮМРОНҚОЗИҚНИНГ ЕР КАВЛАШИ ҲАҚИДА ЭРТАК	23
ТОПИШМОҚЛАР	30

Кичик ёшдаги болалар учун

На узбекском языке

ШУКУР ДАДАШ

СКАЗКИ БАБУШКИ

Стихи и сказки

Издательство «Ёш гвардия» Ташкент — 1978

Редактор С. Барноев
Рассом А. Фуломов
Расмлар редактори Қ. Алнев
Техн. редактор Л. Буркина
Корректор М. Набиева

ИБ № 291

Босмахонага берилди 6/VI-78 й. Босишга рухсат этилди 17/XI-78 й. Формати 70×90¹/₃₂. Босма листи 1,0. Шартли босма листи 1,17. Нашр листи 1,1. Тиражи 30.000. Шартнома № 84—78. Қогоз № 1. Заказ 3553. Баҳоси 5 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.